


**ДКЯТ га тегишли давлат
кадастрлари маълумотларининг
таркиби ва уларни тақдим этиш
тартиби**

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ

Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркиби

- давлат ер кадастри;
- фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри;
- давлат сув кадастри;
- давлат ўрмон кадастри;
- ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри;
- ҳайвонот дунёси давлат кадастри;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;
- бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;
- давлат шаҳарсозлик кадастри;
- гидротехника иншоотлари давлат кадастри;
- тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри;
- автомобиль йўллари давлат кадастри;
- темир йўллар давлат кадастри;
- транспорт қувурлари давлат кадастри;
- алоқа объектлари давлат кадастри;
- энергетика объектлари давлат кадастри;
- чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри;
- табиий хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;
- техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;
- картография-геодезия давлат кадастри;
- ҳудудлар давлат кадастри.

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЯГОНА ТИЗИМИНИ ЮРИТИШ СХЕМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ,
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ
КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ

ҚАРОРИ

**ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЯГОНА ТИЗИМИГА
ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА
УЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2014 й., 41-сон, 512-модда)*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги [Қонуни](#) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида» ги [низомга](#) мувофиқ, Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартибини белгилайди.

ДКЯТ ГАТ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг (бундан буён матнда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси деб юритилади) Геодезия ва картография миллий маркази томонидан картографик ва тематик кадастр ахборотини ягона геофазовий ахборот базасига интеграциялаш мақсадида яратилади ҳамда юритилади.

ДКЯТ ГАТ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти учун, шу жумладан барча турдаги ресурслардан фойдаланишни бошқариш ва прогностлаш масалаларини ҳал этиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича лойиҳавий қарорлар қабул қилиш, ҳудудларни ривожлантириш ва бошқа шу каби мақсадлар учун зарур бўлган фазовий (геофазовий) ахборот билан оператив таъминлашга мўлжалланади.

ДКЯТ ГАТни юритишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. ҳар бир давлат кадастри объектининг тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларини тўлиқ қамраб олиш;
2. макон координаталарининг ягона тизимини қўллаш;
3. кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;
4. кадастр ахборотларининг ишончлилиги;
5. кадастр ахборотларининг очиқлиги.

ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламлар давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш ишларининг бажарилишига асосан шакллантирилиши ва уларнинг назорат ҳолатида юритилиши таъминланиши зарур.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги
вазирликлар, қўмиталар, муассасалар ва
ташкилотлар билан келишилган:

1. **Ички ишлар вазири А. АХМЕДБАЕВ** 2014 йил 2 сентябрь
2. **Фавқулодда вазиятлар вазири Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ** 2014 йил 3 сентябрь
3. **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ш. ТЕШАЕВ** 2014 йил 4 сентябрь
4. **Маданият ва спорт ишлари вазири М. ХОДЖИМАТОВ** 2014 йил 26 август
5. **Соғлиқни сақлаш вазири А. АЛИМОВ** 2014 йил 5 сентябрь
6. **Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х. МИРЗАХИДОВ** 2014 йил 26 август
7. **Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси в. б. И. ТУРАМУРАТОВ** 2014 йил 25 август
8. **Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А. ТОХТАЕВ** 2014 йил 22 август

9. **Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б. АБДУСАМАТОВ** 2014 йил 29 август
10. **Фанлар академияси президенти Ш. САЛИХОВ** 2014 йил 25 август
11. **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази бош директори В. ЧУБ** 2014 йил 27 август
12. **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи Б. ГУЛЯМОВ** 2014 йил 29 август
13. **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси бошлиғи Н. ЭРНАЗАРОВ** 2014 йил 26 август
14. **«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси бошқаруви раиси А. РАМАТОВ** 2014 йил 29 август
15. **«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси А. АБДУВАЛИЕВ** 2014 йил 28 август
16. **«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси И. БАСИДОВ** 2014 йил 22 август
17. **«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ** 2014 йил 25 август